

Тафтиш инстанциясида
маърузачи судья: А.Акрамов

Биринчи инстанция судида ишни
кўрган судья: З.Тураев

Апелляция инстанциясида
маърузачи судья: Т.Алмаматов

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И
№ 1-1401-2406/377

2024 йил август ойининг 26 куни Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси М.Эргашев, ҳайъат судьялари Ф.Худайбердиев ва А.Акрамовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Д.Раджабованинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори У.Рахимов, судланувчи Ж.С.Химоячиси-адвокат А.Сатторовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2024 йил 29 майдаги ҳукмига кўра, судланган

С.Ж.Р (S.J.R), 19xx йил 7 март куни Самарқанд шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишсиз, оилали, муқаддам:

1) Сиёб туман судининг 1998 йил 14 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” банди билан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

2) жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 2006 йил 15 мартдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖКнинг 78-моддасига асосан судланганлик ҳолати тугалланган, xxxxxxxxxxxx яшаган, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукм ва ажрим устидан судланувчи Ж.С ва унинг химоячиси-адвокат А.Сатторовнинг шикоятига асосан жиноят ишини тафтиш тартибда кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Ж.С Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан 5 йил, 25,273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 6 йил 6 ой, ЖКнинг 59-моддаси тартибида, 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Шунингдек, “Волга” “GAZ-2417” русумли 30 Н 960 ТА давлат рақам белгили 40.480.220 сўмлик автомашина жиноят қуроли деб топилиб, давлат даромадига мусодара қилинган.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 9 июлдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Мазкур ҳукм билан О.У ҳам судланган бўлиб, ишнинг унга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, Ж.С 2024 йил 8 март куни соат 19.00 ларда ўзига



тегишли “GAZ-2417” русумли 30 Н 960 ТА давлат рақам белгили автомашинаси билан якин таниши бўлган Самарқанд шаҳар “Расадхона” маҳалласида яшовчи О.Усмоновнинг яшаш уйига келиб, “GAZ-2417” русумли автомашинасида қонунга хилоф равишда “опий” гиёҳвандлик воситасини ташиб келиб, О.У келгусида ўтказиш мақсадини кўзлаб сариқ рангли “Спички” ёзувли гугурт қутичасига солинган озгинадан кўп миқдордаги “опий” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда ўтказган.

Шунингдек, 2024 йил 8 март куни соат 20:10 ларда Самарқанд шаҳар “Расадхона” маҳалласида О.У яшаш уйи олдида Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ 6-сон ЖКГ ходимлари томонидан Ж.Саидовга тегишли “GAZ-2417” русумли 30 Н 960 ТА давлат рақам белгили автомашинаси кўздан кечирилганида, автомашина олд мотор қисмидаги аккумулятор эҳтиёт қисми ёнига келгусида сотиш мақсадида яширилган ҳолатда сақланаётган 1 дона оқ целлофанга солинган оғирлиги 38,05 грамм “опий” гиёҳвандлик воситаси ҳамда ушбу целлофанга солинган “MING HENG SOCKET SCALE” номли кичик ҳажмли юкларни ўлчашга мўлжалланган электрон тарози ҳолислар иштирокида ҳужжатлаштириб олинганлиги сабабли, Ж.Саидов ўзининг жиноий мақсадини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказолмаган.

Судланувчи Ж.С ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Сатторов шикоятда, биринчи инстанция суди ишни бир томонлама кўриб чиққанлиги, унинг қилмишидан пушаймонлиги, жиноятнинг очилишида фаол ёрдам берганлиги, оилавий аҳволини, оилада ягона боқувчилигини инobatга олмасдан бир қадар оғир жазо тайинлаганлиги, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб енгилроқ жазо тайинлашни ҳамда суд ҳукми билан давлат даромадига мусодара қилиниши белгиланган “GAZ-2417” русумли 30 Н 960 ТА давлат рақам белгили автомашинани Ж.Саидовнинг оиласига қайтаришни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят судининг судьяси А.Акрамовнинг маърузасини, прокурор У.Рахимовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, тафтиш шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, судланувчи Ж.С ҳимоячиси-адвокат А.Сатторовнинг тафтиш шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, тафтиш шикоятда келтирилган вазиятни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд қарорларини ўзгаришсиз, тафтиш шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланувчи Ж.С суд ҳукмида баён қилинган жиноятларни содир этганликдаги айби, унинг суддаги ўз айбига қисман иқrorлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, шу иш бўйича судланган О.У, гувоҳ О.Б, Ж.Расулов ва Ж.Б кўрсатувлари, шунингдек жиноят иши ҳужжатларидаги билдирги, тушунтириш хатлари, нарсани кўздан кечириш, сўроқ қилиш баённомалари, суд-кимёвий экспертиза хулосалари каби жиноят ишида тўпланган объектив далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топган.

Биринчи инстанция суди иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланувчи Ж.С қилмишини Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 2-қисми ва 25,273-моддаси 5-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарори 2-бандида, далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши;

фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд лган манбалардан олинган бўлиши;



далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши;

далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи ва апелляция инстанция судлари, жиноят ишени кўришда юқоридаги қоидаларга амал қилган ҳолда, тўпланган далилларга ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳо бериб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабига асосан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб, қонуний ва асосли тўхтамга келгани боис, шикоятдаги, дастлабки тергов органи ва биринчи инстанция суди ишени бир тарафлама кўриб чиққанлиги ҳақидаги вазлар билан келишиб бўлмайди.

Шикоятдаги, суд ҳукми билан давлат даромадига мусодара қилиниши белгиланган “GAZ-2417” русумли 30 Н 960 ТА давлат рақам белгили автомашинани Ж.Саидовнинг оиласига қайтариш ҳақидаги вазлари ҳам асосиз.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 203¹-моддасида, ашёвий далил деб эътироф этилган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки содир этиш учун махсус мўлжалланган, тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар, шунингдек жиний мақсадларга эришиш учун жиноят содир этиш жараёнида бевосита фойдаланилган мол-мулк жиноят қуроли эканлиги;

211-моддасида, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилиниши кераклиги ва улар тегишли муассасаларга топшириши ёки йўқ қилиб юборилиши белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 17-сонли қарори 2-бандида, ашёвий далил сифатида, жумладан, жиноят қуроли – ашёвий далил деб эътироф этилган, жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этиш учун махсус мўлжалланган, тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар (масалан, одам ўлдириш қуроллари, қимматликларни талон-торож қилиш ёки эгаллашда восита бўлган нарсалар, ўқотар қурол, браконьерлик қуроллари – қопқонлар, тўрлар, сохта ҳужжат ва ҳ.к.), шунингдек жиний мақсадга эришиш учун жиноят содир этиш жараёнида бевосита фойдаланилган мол-мулк (масалан, **транспорт воситалари**) эътироф этилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатларига кўра, Ж.С “GAZ-2417” русумли 30 Н 960 ТА давлат рақам белгили автомашинасида қонунга хилоф равишда “опий” гиёҳвандлик воситасини ташиб келган, шунингдек ушбу автомашина кўздан кечирилганида автомашина олд мотор қисмидаги аккумулятор эҳтиёт қисми ёнига келгусида сотиш мақсадида яширилган ҳолатда сақланаётган 1 дона оқ целлофанга солинган оғирлиги 38,05 грамм “опий” гиёҳвандлик воситаси ҳамда ушбу целлофанга солинган “MING HENG ROCKET SCALE” номли кичик ҳажмли юкларни ўлчашга мўлжалланган электрон тарози холислар иштирокида ҳужжатлаштириб олинган.

Шу боис, биринчи инстанция суди Ж.С гиёҳвандлик воситасини яширин равишда ўтказиш мақсадида ўзига тегишли “GAZ-2417” русумли 30 Н 960 ТА давлат рақам белгили автомашинасидан фойдаланганлиги сабабли, ушбу автомашинани жиноят қуроли деб топиб ва давлат фойдасига мусодара қилиб, тўғри хулосага келган.

Шикоятдаги, Ж.Саидовнинг қилмишидан пушаймонлиги, жиноятнинг очилишида фаол ёрдам берганлиги, оилавий аҳволини, оилада ягона боқувчилигини



инобатга олмасдан бир қадар оғир жазо тайинлаганлиги, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, енгилроқ жазо тайинлаш ҳақидаги вазлари билан келишиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

ЖКнинг 7-моддаси 2-қисмида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддаси 1-қисмида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилна бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида;

26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилиши;

37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)лиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи Ж.С нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига, Олий суд Пленумининг 2006



йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори тушунтиришларига риоя қилган ҳолда гиёҳвандлик воситасининг тури ва миқдорини ҳамда гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноятлар хусусиятига кўра аҳоли соғлиғига, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига жиддий таҳдид солиши, оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши, бошқа ижтимоий муаммолар келтириб чиқариши жиҳатидан ижтимоий хавфлилик даражаси юқори ҳисобланишини инобатга олиш билан бирга, унинг ёши, айбига қисман иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий аҳволини ҳам эътиборга олиб, мазкур қилмишини енгиллаштирувчи ҳолатларни содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 25,273-моддаси 5-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроғини, ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида, узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, қонуний, асосли ва адолатли тўхтамга келган.

ЖПКнинг 521⁴-моддасида, вилоят суди жиноят ишини тафтиш тартибида кўриб чиқиб, унинг натижаларига кўра биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини ўзгаришсиз қолдириш, тафтиш тартибида берилган шикоятни, протестни эса қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида қарор қабул қилиши белгиланган.

Шунга кўра, судлов ҳайъати шикоятдаги важлар суднинг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли, суднинг ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521⁴ ва 521^б-моддаларини қўллаб, тафтиш инстанцияси суди

а ж р и м қ и л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2024 йил 29 майдаги ҳумининг ва Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 9 июлдаги ажримининг **С.Ж.Р** (S.J.R)га оид қисми ўзгаришсиз, тафтиш шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи (имзо)
Ҳайъат судьялари (имзо)
(имзо)

М.Эргашев
Ф.Худайбердиев
А.Акрамов

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”

